

«Ўздунробита» Термиз филиалининг самарали ишлашида ўзининг муносиб хиссасини кўчириб келатган ёш мутахассислардан бири — Абдурашул СУЛТОНОВдир. Мухбиримиз Абдурашул билан учрашиб, суҳбатлашди.

— Абдурашул, аввало газетхонларга ўзингизни таништирсангиз.

— Мен Сурхондарё вилоятининг Ангор тумани, Қорасув жамоа ҳужалигида 1970 йили колхозчи оиласида туғилдим. Оилада саккиз фарзанд бўлиб, мен еттинчисиман. 9-синфда ўқиб юрган кезларимда отамиз вафот этдилар. Онамиз эса оддий колхозчи эдилар. Ҳозир нафақадарлар. Саккиз фарзанднинг бири шифокор, бири курувчи, мен алоқачи, қолганлари ўқитувчи. Ҳаммамиз ҳам олий маълумотли мутахассис-

Абдурашул СУЛТОНОВ:

АЛОҚА МУҲАНДИСИ — ЮКСАК НОМ

лармиз.

Мактабнинг юқори синфларида ўқиб юрган кезларимда радио, телевизор тузатишни яхши курадим. Шу сабаб бўлди шекилли, 10-синфни битиргач, Тошкент электротехника алоқа институтига ҳужжатларимни топширдим, лекин... ўқишга киролмадим. Сунг ҳарбий хизматга жунадим. Германиянинг Потсдам шаҳрида радиотелефончи бўлиб хизмат қилдим. 1990 йили хизматдан қайтгач, алоқа институтининг тайёрлов бўлимига қабул қилиндим ва 1991 йили орзуим ушалаб, ўқишга кирдим.

Ўқишни тугатиб, «Сурхондарё Телеком» шўъба корхонасида муҳандис бўлиб иш бошладим. 1997 йилнинг бошларида энди-

гина ташкил этилатган «Ўздунробита»нинг Термиз филиалида ишлаш учун ёш муҳандислар орасида танлов ўтказилди. Танловда мен ҳам қатнашдим ва Термизда уяли алоқа ишга тушган дастлабки кунларданок шу ерда ишлаб келяпман.

— Уяли алоқанинг истиқболлари ҳақида нима дея оласиз?

— Ҳозир электралоқа мажмуасини уяли алоқасиз тасаввур қилиш қийин. Бу алоқа турининг истиқболи жуда баланд. Мамлакатимизда биринчи бўлиб уяли алоқа хизмати йулга қуйган «Ўздунробита» — Ўзбекистон—Америка қўшма корхонасининг республикамиз вилоятларида филиаллари бор. Биргина Тер-

мизда қисқа муддатларда абонентларимиз сони 300 дан ошди. Вилоятнинг Шурчи, Денов ва Сароисиё туманлари марказларида ҳам шундай хизмат турларини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

«Ўздунробита» тизимидаги абонент бир шаҳардан иккинчи шаҳарга борганида унинг телефони шу шаҳар тармоғига улашиши ва код орқали истаган жойига чиқвериши мумкин. Бу нарса абонентларга катта қулайлик яратди. Алоқанинг техник сифати эса жаҳон андозалари талаби даражасида. Ҳар қалай, абонентларимиз хизматимиздан хурсанд ва уларнинг сони кундан-кунга ошиб бормоқда.

— Келгуси режаларингиз?

— Ҳозир уяли алоқа соҳасида

бошқа қўшма корхоналар ҳам фаолият курсатишмоқда. Бу — соҳада рақобат пайдо бўлди деган гап. Бу эса уз навбатда ходимларимиздан хизмат курсатиш маданияти, турлари, сифати ва тарифлар ҳақида жиддий ўйлашни ҳамда тинмай меҳнат қилишни тақозо этади. Талаб ва эҳтиёжга қараб бошқарув ҳамда хизмат курсатиш борасидаги дастурлар узғариб бормоқда. Бу дастурларни биз ўз станциямизда жорий этамиз.

Шахсий режаларимга келсак... Бу ишга утишим билан Тошкентга ўқишга юборишди. Ҳозир ҳам ҳар йили малака оширишга бориб тураимиз. Уяли алоқа — электралоқа соҳасида узига хос урин тутайди ва алоқанинг мураккаб туридир. Мен учун алоқа хизмати муҳандиси деган ном — юксак ном. Шу номга муносиб бўлиш учун доим ҳаракат қилиб боравераман.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ
суҳбатлашди



Хат, хабар, газета ва журналларнинг эгаларига ўз вақтида, бехато етиб бориши кўп жихатдан почтадаги сараловчиларга боғлиқ. Мария Григорьевна КОПИЛЕВА 20 йилдан кўпроқ Тошкентдаги 167-почта бўлимида ана шу масъулиятли юмушни бениқсон бажариб келмоқда.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида амалга оширилаётган таълимий тадбирлар Тошкент электротехника алоқа институтининг ўқув жараёнларини сифат жиҳатидан яхшилаш имконини бермоқда. Ўқув режасига асосан ахборотлар технологияси ва почта хизмати йўналишлари буйича малакали мутахассислар тайёрлашга эътибор кўчади.

Айни вақтда институтнинг «Антенна-фидер курилмалари», «Рақамли техника ва электр алоқада бошқарув», «Радиореле ва йўлдошли алоқа тизимлари» кафедралари энг замонавий техника воситаларига эга бўлди. Ўқув хоналари эса 12 тадан 25 тагача компьютер курилмалари билан жиҳозланди.

А. АЛИЕВ

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Бухоро давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабаяшмаси кўмитаси жамоалари корхона бошлигининг ёрдамчиси **Ғафур САФАРОВ**ни 50 ёши билан чин дилдан табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, алоқа соҳасидаги ишларида муваффақиятлар тилайди.

Хурматли **Сафураҳон БОЛТАБОВЕВА!**

Тугилган кунингиз муборак бўлсин.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий бахт ва ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз, ёру-дустларингиз даврасида доимо шоду хуррам юринг. Омад ҳамиша ёр бўлсин.

«Фарғона почтаси» АЖ Тошлоқ филиали жамоаси

«Андижон Телеком» АЖ жамоаси Хужабод филиали линия муҳандиси **Давлатбой МАМАРАСУЛОВ**ни табаррук 60 ёши билан самимий табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик тилайди.

МУАММОЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Бухоро тумани электралоқа боғламасида аҳолининг телефон хизматидан самарали ва нуқсонсиз фойдаланишлари учун анчагина ишлар амалга оширилмоқда. Корхонада жами 53 киши ишлайди. Уларнинг 27 нафари электромантурлардир. Бундан ташқари таъмирлаш бригадасининг етти нафар аъзоси, шунингдек уч нафар кабелчи, пайвандловчи ҳам аҳолига телефон хизмати курсатишни яхшилаш мақсадида тинимсиз меҳнат қилишмоқда.

Илгари вилоят электралоқа ишлаб чиқариш корхонасида капитал қурилиш бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган Тулқин ҲАМИДОВ мазкур туман алоқа боғламасига раҳбар этиб тайинланганига кўп вақт бўлгани йўқ. Утган давр ичида тумандаги бошқа бир қатор ҳужалиқлар қатори О. Убайдов номли, «Чорбакр», У. Юсупов номли ширкат ҳужалиқлари аҳолиси ҳам телефон хизматининг энг сунгги афзалликларидан баҳраманд бўлишди. Бу ҳужалиқларда шаҳарлараро сузлашув автоматик ускуналари урнатилди. У ердаги аҳоли уйларида туриб исталган жойга код орқали телефон қила олишади.

Тумандаги барча жамоа ҳужалиқлари ҳам замонавий телефон хизматидан тула фойдаланяптилар деб бўлмайди. Жумладан: «Маданият», Ф. Аллаев номли жамоа ҳужалиқлари аҳолиси туман худудидан бошқа жойга чиқа олмайдилар.

— Бу муаммони қисқа вақтда ҳал қиламиз, — дейди биз билан суҳбатда Т. Ҳамидов. — Махсус кабелларни тортиб бўлди. Яқин кунларда бу иккита жамоа ҳужалиғи ҳам шаҳарлараро сузлашув имкониятига эга бўладилар.

Ҳа, телефон хизматидаги янгиликларни истиқлол шарофати, мустақиллик неъматларидан бири деса бўлади. Замонавий NEAX

Япония станцияларининг ишга туширишини бундан 10-15 йил илгари тасаввур қилиш ҳам мумкин эмасди. Биргина мисол, ҳозирги пайтда туман маркази — Галлоисиё шаҳри аҳолиси бир йўла 16 турдаги сервис хизматларидан фойдаланмоқдалар. 250 нафар абонент ана шундай хизматлардан баҳраманд бўлмоқда. Халқаро сузлашувларни чеклаш, уйготувчи соат чақирикни бошқа рақамга йўналтириш, абонент бўшагандан кейин автоматик боғланиш ва бошқа бир қатор сервис хизматлари шулар жумласидандир. Туман марказида 1650 та телефон бўлиб, уларнинг 1350 таси аҳоли хонадонларига урнатилган. 2300 та телефон қишлоқ жойларида ишлаб турибди. «Бухоро», «Урта Осиё», «Дустлик», С. Едгоров ҳамда О. Убайдов номли ширкат ҳужалиқларида иш олиб бораётган Ҳамид Тухтаев, Саттор Давлатов, Омон Раббиев, Нарзулло Қудратов, Норқул Раҳимов сингари электромантурлар мижозлар хурматиини қозонмоқдалар.

Туман электралоқа боғламасида муаммолар ҳам йўқ эмас. Энг қийин муаммолардан бири дебитор қарзларнинг баъзи бир ҳужалиқлар томонидан ўз вақтида туланмаётганлиғидир. Шу боис, дебитор қарзларни тулаш туман буйича 7 ойда 97 фоизни ташкил этди. О. Убайдов номли, «Бухоро», «Янги турмуш» ҳужалиқлари телефон ҳақини ўз вақтида тулай олмаптилар. Бу эса ўз навбатида туман электралоқа боғламаси ишига салбий таъсир курсатяпти. Туман алоқачилари дебиторларни ўз муддатида ундириш борасида барча чора-тадбирларни куришяпти.

А. ИСТАМОВ,
Бухоро вилояти

С COSCOM GSM уяли алоқа хизматларидан фойдаланинг!

Ривоят қилишларича, бир киши доим хотинлар макрини урганиш билан овра эди. Рашиқнинг зурлигидан хотинларга ишонмас ва ҳеч қайси хотинни ўзига ақинлаштирма эди. У хотинлар макри ёзилган китобни ўқигани ўқиган эди. Кунлардан бир кун у киши сафарга чиқди. Йулда бир қабила манзилига етиб, у ерда тунамоқчи бўлди. Мусофир кирган жойнинг хужайини уйда йуқ эди. Аммо унинг хотини уйда эди. Мезбон хотин гоётда нафосатли ва ниҳоятда одамхун эди. Хотин меҳмонга хушфэъллик билан илтифот кўрсатди. Меҳмон қавушини ечиб, хассасини деворга суяб, юқорига чиқиб ўтирди ва ёнидан китобини олиб, ўқишга машғул бўлди.

Хотин меҳмондан сўради: — Эй, хожа, бу ўқитган китобинг қандай китоб? — Бу китобда хотинлар макридан ҳикоя қилинган. — Дарё сувини галвир билан улчаб бўлмайд ҳамда ер юзиде туриб, сув остидеги қумнинг ҳисобини олиб бўлмайд. Бинобарин, хотинлар макри ҳам ранг-баранг, беҳисобдир, — деди-да, гамза ўқини камон қошига қўйиб, меҳмон қалбини нишонга олди. Хотин ёқимли гаплар айтди, нозу карашмалар билан ишқий ҳатти-ҳаракатлар қилиб, меҳмон кўнглини овлар эди. Ниҳоят, меҳмоннинг кўнглини ўзига ром қилди. Меҳмон хотиннинг чиройига, ширин каломига ва

шўчан ҳаракатларига маҳлиб бўлиб, ҳамма нарсани унутди. Хотин ҳамон илтифот билан ширин гуфторликда давом этарди. Меҳмон чидаб туролмай, ўрнидан туриб, ишқибозлик қила бошлади. Хотин ўзини олиб қочар ва меҳмон уни тутиб, кучоғига тортар эди. Ишқибозлик айна авжига чиққанда, эшик тақиллади.

— Эрим келди, — деди хотин,

ХОТИНЛАР МАКРИНИ ЎРГАНУВЧИ КИШИ Ривоят

— Эрим эмас, бало келди. Ҳозир иккала мизни ҳам улдиради.

— Нима қилмоқ керак? — деди меҳмон.

— Ўрнингдан тур, — деди хотин, — ҳу анави сандиқ ичига кир.

Меҳмон сандиққа тушди. Хотин сандиқни ёпиб, қулфлади. Шундан сўнг эшикни очиб, эрини илтифот билан қарши олди.

Дилларни ром этадиган сузлар билан эрини жаҳдан туширди. Эри бироз ўзига келгач, хотин суз бошлади:

— Мен бошимдан кечирган бугунги воқеани сенга ҳикоя қилмоқчиман.

— Айт, — деди эри.

Хотин суз бошлади: «Бугун

бизга бир меҳмон келди. Узи бағоят чиройли, хушсуз, хушхулқ ва ажойиб табиатли йигит экан. Қўлида хотинлар макри ҳақида ёзилган китоби ҳам бор. Қачон қарасанг ўшбу китобни ўқигани ўқиган. Аммо хотинлар макрини назар-писанд қилмайдилар. Йигитни бу аҳволда курганимдан сўнг, уни ўйнамоққа жазм қилдим. Ҳар хил ноз-карашмалар билан

— Уни анави сандиққа солиб, қулфлаб қўйганман. Мана, калитини олиб, сандиқни очсанг, кўрасан.

Эр-хотин бир-бирларининг қўлидан бирор нарса олмасликка гаров ўйнаган эдилар. Агар эсдан чиқиб, бири иккинчисининг қўлидан нарса олса, албатта нарса олган гаровда ютқазган ҳисобланарди. Гаров ўйнашганига анча вақт бўлган, аммо ҳанузгача бир-бирларининг қўлларидан нарса олмасдилар. Бироқ эр ниҳоятда газаблангани туфайли, гаров ўйнагани эсидан чиққан эди.

У калитни олиб, сандиқ томон юрди. Шу вақт хотин эрига қараб: «Гаровни ютқазганинг муборақ бўлсин», деди. Эри бу сўзни эшитиб, калитни ерга ташлади ва «Сенга лаънатлар бўлсинки, гаровни ютиш учун мени оловга утқазиб қўйиб, ажойиб тилсим ишлатиб гаровни ютдинг», деди.

Хотин яна яхши сузлар билан эрини юпатиб, дилдорликлар билан кўнглини хушнуд қилди. Бир оздан сўнг, эри яна кучага чиқиб кетди. Хотин сандиқни очиб, сўради:

— Эй хожа, бундай макриҳийлани бирор китобда кўрганмидинг?

— Тавба қилдим, бундан буён ҳаргиз хотинлар макрини урганмайман, қўлимдаги бу китобни ҳам қуйдираман, зеро, хотинларнинг макриҳийласи китобда ёзилганидан кўра кўпроқ экан.

Ш. ЭРГАШ ўғли
тайёрлаган

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДУЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобоҳон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000
Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Таҳририятга келган кўлэмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақоалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 00011.
Буюртма № Г-742.
5757 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6

ВАТАНИНГ ТИНЧ — СЕН ТИНЧ

Булбул чаманни севар,
Одам — Ватанини.

Диндан чиқсанг ҳам, элдан чиқма!

Еридан айрилган етти йил йиғлар,
Элидан айрилган улгунча йиғлар.

Ўзга элнинг султони бўлгунча,
Ўз элнингнинг чўпони бўл!

Она юртинг омон бўлса,
Ранги-руйинг сомон бўлмас.

Элдан айрилиб бўлмас.

Эл нима бўлса, сен ҳам шу.

Элнинг назаридан қолма!

Эл қурисанг, узарсан,
Қуримасанг, тузарсан.

Эр йигит — эл ғамида.

Юртдан айрилганин ёв чопади.

Ватанинг тинч — сен тинч!

• Ажаб дунё

ТИМСОҲ — КЕСАК ЭМАС...

Тимсоҳ ўз ранги-руйи билан кесакни эслатади. Кўпинча кесакка ўшаб, алламаҳалгача қимирламай, гўёки жонсиз бир ҳолатда ётади. Африканинг Харара шаҳри қуриқхонасида яшаётган 79 ёшли улкан тимсоҳ ҳам худди ана шундай эди. Қуриқхона ходими Смарт Бестер сайёҳларни қуриқхонада томоша қилдирад экан, ҳар сафар узун калтак билан уша тимсоҳни қитиқлаб ўтишни яхши қуради. Тимсоҳ ҳеч

нарсани сезмагандай, жим ётаверарди.

Лекин кунлардан бирида ҳеч қутилмаган ҳодиса юз берди. Смарт одатдагидек, тимсоҳни калтак билан қитиқлаётгани, у бирдан сап-чиб ўрнидан турди, Смартга ташланди ва уни кўкрагидан тишлаганча сув остиде гойиб бўлди. Бошқа ходимлар Смартни сув остидан олиб чиққанларида ... унинг бир қўли йуқ эди.

КУНЛАРДАН БИР КУНИ

умиддаман, — дейди.
— Шубҳасиз, — деб жавоб беради шoir. — Бугунги ишим ҳавтимидаги энг сунгги бемаънилимдир.

Генрих Гейне ажойиб хушовоз, лекин ҳаддан ташқари семириб, йўғонлашиб кетган бир хонанда



Куз хаёллари...

аёл ҳақида:
— Булбулни ютиб олган фил! — деган экан.

Утақаси ёрилган хизматкор Вольтернинг олдида қолиб кириб, хужайин дахлизда қолдирган ҳассага бир илон урилиб турганини айтади.

— Бу гаройиб ҳодиса. Балки бирон қутилмаган нарсанин содир бўлишидан далолат берар? — дейди у.

— Ҳеч қандай гаройиб ҳодисани тан олмайман, — деб жавоб беради файласуф. — Агар менинг ҳассам илонга урилиб қолганда эди, буни ҳақиқатан ҳам гаройиб ҳодиса дер эдим.

XVII аср француз шoirи, енгилтак қўшиқлар муаллифи Шолье бузуқ ахлоқи билан бутун Парижга машҳур эди. Ниҳоят, у тартибли ҳаёт кечиришга қарор қилади ва узидан анча катта ёшдаги бадавлат айла уйланади.

Улар никоҳдан утганлари ҳамон хотини Шольега:
— Энди илгариги бемаъниликларингиздан воз кечарсиз деган